



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

1991 йил 1 ливардан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 1 июнь, № 107 (5022)

Сешанба



Андижон шаҳрида уч кун давом этган ёшлик, гўзалик ва камолот байрами – “Универсиада – 2010” спорт ўйинлари катнашчиларга олам-олам кувонч ва улкан таассуротлар тухфа этди.

ХАЙР, АНДИЖОН, КЎРИШГУНЧА, БУХОРО!

Президентимизнинг мазкур спорт ўйинлари иштирокчиларига табригида “...Юртимида шаклланган, “Умид ниҳоллар”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли нобёб тизимнинг басмаси курдатли тўлкинга айланиб, миллион-миллион болаларимизни ўз сафига қамраб олаётгани, уларнинг ҳам хисмоний, ҳам маънавий соглом бўлиб улгайши учун хизмат килаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниска, бу тизимнинг юқори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшлиаримиз учун том маънода чинчина ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир”, дега алоҳида қайд этилган.

Дарҳақиқат, Ватанимиз келажаги, бўлган ёш авлодни она-юргта мұхаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, соглом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуғузи йилдан-йилга ошиб бораётгир. Бошқачароқ қилиб айтганди, эндиликда ушбу спорт ўйинларининг яхлит механизми яратилди. Унинг ёшлиарни қамраб олиш даржаси ҳам кенгаймоқда. Иштироқчилар орасидан қизлар сони ошиб бораётганинига эса таҳсинга сазовор. Яна бир мұхым жиҳаты, спортивни рivoхлантириши ва оммавийлаштиришга берилётган ётибор түфайли виляят спортчиликларининг эриштётган натижалариниң яхшиланиб бораётгир. Гап шундаки, илгарилари Тошкент шаҳри вакиллари аксарият спорт турлари бўйича беллашувларда виляяtlар жамоатаридан сезиларни даржада устунлик килишарди. Уч босқичли спорт тизимининг жорий этилиши сабабли, виляят вакиллари пойтакт жамоатарни билан тенгма-тэнг баҳс юритишга, айрим спорт турлари бўйича ҳатто улардан ўзбек кетишига ҳам эришишоқдалар.

Универсиада бу сафар

(Давоми 2-бетда).



Бир роқам
шархи

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ҒАМҲЎРЛИКДАН МУНАВVAR ҚАЛБЛАР



Темур КУРБОНБОЕВ олган сурат.

Mамлакатимизда истиқлоннинг илк йилларида ноң эртамиз эгалари – ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг ҳукук ва манфатларини ҳимоя қилиши, иқтидор ҳамда истеъодини рўёбга чиқариш, қалбida она-Ватанга мұхаббат ва садоқат тўйгуларини шакллантириш каби эзгу мақсадларга давлатимиз сиёсатининг ёнг мұхим устувор йўналишларидан

бира сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун халқаро ҳукукнинг умумётirof этилган тамойилларига ўйғун равища тегишилди ҳукукий асослар яратилган.

Юрбошимиз ташаббуси билан ҳаётта татбиқ этилган қатор давлат дастурлари ҳам фарзандларимизни жисмонан баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чукур оғаллаган, иродаси бақувват, маънан етук, ҳеч кимдан кам

бўлмаган авлод этиб тарбиялашга йўналтирилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Биргина жорий йилнинг мамлакатимизда Баркамол авлод ийли деб эълон қилингани ҳам бу борадаги эътибор ва ғамҳўрликнинг ёрқин ифодасидир. Зоро, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида улкан ҳажмидаги ислоҳотлар амалга оширилаётir.

(Давоми 4-бетда).

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тошкент вилятининг Пскент туманида “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш жараёнига илгор инновацион технологияларни жорий этиш – тармоқни рivoхлантиришнинг мұхим омии” мавзууда семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиши ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа давлат дас-

турлари ва қонунчилик ҳўжатларини ижро этишининг боришига бағишиланди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги олдида турган фойт мұхим вазифалардан бирни этиштирилётган маҳсулотни қайта ишлашдан иборат бўлиб, у қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишига, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга ёрдам беради ва қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Семинар қатнашчилари қайд этганларидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигига инвестициялар ва илгор инновацион

технологияларни жалб этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бир қатор вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий обьектлар ишга туширилди.

Сўнгги йилларда сабзавот ва меваларни қайта ишлаш соҳасига янги технологияларни жорий этишининг ҳолати анча яхшиланди, ишлаб чиқарилаётган шарбат ва ичимликларнинг, томат пастаси, кетчуплар, консервалар ва вино маҳсулотларининг хиллари кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

БАРЧА ЙЎЛЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ БОРАДИ

Мюнхенда Ўзбекистоннинг сайдёхлик салоҳиятига багишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда сайдёхлик фаoliyati билан шугулланувчи 30 дан ортиқ ташкил, “Люфтганза” авиакомпаниясининг минтакаий менежерлари ва Бавария федерал ўқасининг Марказий туризм бороси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизнинг Германиядаги элчиносини хоҳида томонидан туризм иштирокчилари ушбу соҳада

ҳадаги ҳамкорлик самараорлигини ошириш борасида ўз мупоҳазаларини билдиришди. “Штудиосус” компаниясинынг бос менежери М. Кюбш компания мутахассислари билан Ўзбекистонга илк бор саҳётат килганидан бўён ушбу мамлакат унинг фаoliyatiдаги ёнг истиқоллийишишардан бирига айланганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

Қўрқам уй-жойлар кўпаймоқда

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича жами

1594,6 минг квадрат метрлик уй-жой
фойдаланишга топширилди.

Тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой куриш фондини реконструкция килиш ва таъмирлаш бўйича пурдат ишларини кенгайтишини рабатлантиришга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Замонавий линия ишга тушрилди

АНДИЖОН. “Кўргон-тепадонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти кошида қолипли нон ишлаб чиқармаси ихтисослашган янги линия ишга туширилди.

Ушбу лойҳаҳи амалга ошириш учун “Агробан”нинг 393 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланиди. Ҳозигри кунда бу ерда Италия технологияси ёрдамида бир кечакундуза 1,5 тоннага яки хушташ нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мұхбири.

Маҳалланинг муҳташам гузари

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳўйли шаҳри марказида бўш ётган бино тадбиркор Сулаймон Үрозимбетов ташаббуси билан тубдан таъмирланниб, муҳташам маҳалла гузари бунёд этилди.

Бунинг учун тадбиркор ўз хисобидан 500 миллион сўмлик мағлаб сарфлади. Махалла кўргига кўрк ўйнган ушбу замонавий маҳмуда маросимлар уйи, савдо дукони ҳамда ўнлаб машиний хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Эътиборлиси, 30 киши доимий иш ўнгига эга бўлди.

Х. АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мұхбири.

Парфюмерия маҳсулотлари – хорижга

БУХОРО туманида “Халимабегим Омад” қўшима корхонаси фаолият бошлади. Атир-упа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонага хориждан 357 минг АҚШ долларлилик замонавий технологиялар олиб келиб ўтнаганди.

Айни пайтда 50 кишидан иборат жамоа бу ерда маҳаллий хом ашёдан ойига ўтгача 100 миллион сўмликдан зиёд парфюмерия маҳсулотлари тайёрлаб, унинг асосий қисмими экспорт қилмоқда.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мұхбири.

Дастурхон баракаси

НАВОЙИ. Кармана туманилик тадбиркор Болта Ҳамроев бандан олган 60 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан гўшт ва сутни қайта ишлайдиган замонавий технология олиб келиб ўтнаганди.

Айни пайтда корхонада ойига ўтгача 60-65 тона хом ашё қайта ишланиб, ўн уч хилдаги гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Жамоа жорий йил охирiga қадар эл дастурхонига 850 миллион сўмлик маҳсулот тортиқ килинчи режалаштирган.

Эътиборлиси, туманда жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 111 милиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мұхбири.

